



ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 112 (9358).

1988 йил 10 июнь • жума •

Баҳоси 3 тийин.

ТАСС ахбороти Космосда ХАЛҚАРО ЭКИПАЖ

1988 йил 7 июнь кунин Москва вақти билан соат 18 дан 03 минут ўтганда Совет Иттифоқида «Союз ТМ—5» космик кемаси учирилди.

Кемани: командир Анатолий Соловьев, бортинженер икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони СССРнинг космонавт-учувчиси Виктор Савиних ҳамда тадқиқотчи-космонавт Болгария Халқ Республикасининг граждани Александр Александровдан иборат халқаро экипаж бошқармоқда.


Учин программасида «Союз ТМ—5» кемасини космонавтлар бошқараётган «Мир» комплекси билан туташтириш ҳамда 1987 йилнинг 21 декабрдан бери Ер атрофи

орбитасида ишлаётган космонавтлар Владимир Титов ва Муса Манаров билан қўшма тадқиқот ва тақриблар ўтказиш кўзда тутилган.

Болгариялик космонавт иштирокида халқаро экипажнинг иккинчи учини Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи билан Болгария Халқ Республикаси ҳукуматлари ўртасидаги ахдлашувга мувофиқ амалга оширилмоқда.

«Союз ТМ—5» кемасининг ичидagi системалар нормал ишлаб турибди.

Соловьев, Савиних ва Александров ўроқлар ўзларини яхши ҳис этмоқдалар.



✦ СУРАТДА: Совет — Болгария экипажи (чадан ўнгга) БХР граждани, тадқиқотчи-космонавт Александр Александров, экипаж командири Анатолий Соловьев ва бортинженер, СССР космонавт-учувчиси икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони Виктор Савиних.

Ўзбекистон— Болгария



ОЛМАЛИҚ химия заводи билан Болгария Халқ Республикасининг Димитровград химия комбинати мўъжизакорлари ўртасида ҳамкорлик йўлга қўйилганига анча бўлди. Ўтган беш йилликнинг бошларида асос солинган бундай дўстона алоқалар йилдан-йилга кенгайиб, мазмунан бойиб бормоқда.

Ҳамкорлик икки коллектив ўртасида тузилган шартнома асосида олиб борилади. Корхоналар мутахассислари ва ишчилари тез-тез бир-бирларининг ҳузуурларига ташириб буюриб турадилар. Масалан, ўтган йилнинг октябрда химия заводининг бир гуруҳи ишчи-хизматчилари қардошлар ҳузурида бўлишди. Шу вақтда икки меҳнат коллективи ўртасида бевоқиф алоқа программаси бўйича ҳамкорлик шартномаси тузилди.

Бу ўзбек ва болгар кимёгарлари алоқаларининг янада кенгайишига олиб келди. Улар эндиликда илгор технология ва техника янгиликларини билан бир-бирларини тўла хабардор қилиш имконига эга бўлишди. Олмалик химия заводи Димитровградлик ҳамкасбларига ишлаб чиқаришнинг оқавасиз схемаси ҳужжатларини жўнатишга тайёрламоқдалар. Шу шартномага мувофиқ болгариялик ҳамкасблар эса Олмалик химия заводида доира-вакуум фильтри учун алоҳида тайёрланган резина қисмлари, насослар, қоритиригичлар юборишди.

Айни вақтда бир қанча халқ ҳўжалик комплекслари ва тармоқлар ишидаги мавжуд камчиликлар сенин бароараф этилмоқда, янги ҳўжалик механизмнинг афзалликларидан тўла фойдаланилмапти. Фан-техника тараққийини жадаллаштириш, асосий фондларини янгиласи суръатлари етарли даражада

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СИЁСИЙ БЮРОСИДА

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг 6 июнь кунин бўлган мажлиси Бутуниттифоқ XIX партия конференциясида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ масалаларни муҳокама қилди.

Партия ташкилотлари, меҳнат коллективларида КПСС Марказий Комитетининг партия конференциясида Тезисларини қизғин муҳокама қилиш авж олиб кетганлиги таъкидланди. Коммунистлар, меҳнатнашлар партиянинг қайта қуриш йўлини маъқуллаб, Марказий Комитетнинг Тезисларида баён этилган платформасини қўллаб-қувватлаб, КПСС рўлини оширишга, партия турмуши ва иқтисодий ҳаётини янада демократлаштиришга, ошқориликни кенгайтиришга қаратилган кўпгина тақдирларни ишлари сурмоқдалар. Сиёсий бюро партия комитетларига, КПСС Марказий Комитетининг бўлимларига жўйлардан тушётган тақдирлар конференция кун тартиб масалаларини муҳокама қилишда ишбатида олиниши ва унинг қарорларини аниқ этилиш учун бу тақдирларни умумлаштиришнинг ташкил этилиши тоширди.

Мажлисда мамлакат социал-иқтисодий тараққийининг шу йил беш ойи якунлари кўриб чиқилди. КПССнинг Бутуниттифоқ XIX конференциясини муносиб кўчиб олишга тайёргарлик кўраётган меҳнат коллективлари ўз фаолиятларини активлаштиришга қаратилган. Иккинчи даражада 5 процент қўлайди. Бу кўзда тутилган ўсиш суръатидан бирмунча юқорилик. Умуман сановат ва барча халқ ҳўжалик комплекслари белгиланган марраларга чинди. Сановат ва халқ ҳўжалиги бошқа тармоқларидаги корхоналарнинг кўпи тўла ҳўжалик ҳисоботи ва ўзини ўзи маблаг билан таъминлашга ўтганлиги пировард натижалар ва сифат кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсата бошладилар. Маҳсулот етказиб бериш интизоми яхшиланди. Иқтисодий меҳнат унумдорлиги 6 процент ошди. Қишлоқ ҳўжалигида чорва ва парранда харида қўлайди. Экономика тараққийининг социал йўналиши кучаймоқда. Уй-жойлар ва социал-маданий соҳа бошқа объектларини фойдаланишга тоширини суръатлари сезиларли тарада ўсиб бормоқда. Қўдан бери биринчи марта товар обороти плани бажарилди.

Айни вақтда бир қанча халқ ҳўжалик комплекслари ва тармоқлар ишидаги мавжуд камчиликлар сенин бароараф этилмоқда, янги ҳўжалик механизмнинг афзалликларидан тўла фойдаланилмапти. Фан-техника тараққийини жадаллаштириш, асосий фондларини янгиласи суръатлари етарли даражада

эмас. Маҳсулотнинг давлат буюртмасида кўзда тутилган бир қанча энг муҳим турларини ишлаб чиқариш тоширини қилиб бажарилади. Халқ ҳам маҳсулот етказиб бериш интизоми сўст — сановат корхоналарининг 15 проценти тузилган шартномаларга кўра мажбуриятларини бажарилишини таъминламадилар. Буларнинг ҳаммаси меҳнат фолдентивлари иши нормал маромининг бузилишига олиб келмоқда. Аҳолининг бир қанча турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари, товарлар ва хизматларга бўлган талабини қондиришда қийинчиликлар сақланиб қолмоқда.

Партия, совет ва ҳўжалик органларининг энг муҳим вазифаси, деб таъкидланди мажлисда, барча бўғинларда иш даражасини янада ошириш, ҳўжалик юртишнинг янги формалари ва методлари очиб бераётган имкониятлардан тўлароқ фойдаланиш неғизда экономика тараққийидаги ижобий тенденцияларни мустаҳкамлаш, социал тараққийининг белгиланган марраларига сўзсиз эришиш, меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини оширишнинг пойдевори сифатида экономика раванқини жадаллаштиришнинг таъминлашдан иборат. Қолган корхоналар ва бирлашмаларнинг ҳам тўла ҳўжалик ҳисоботи ўтказишга пухта тайёргарлик кўриш зарурлиги таъкидланди.

Сиёсий бюро АҚШ президенти Р. Рейганининг СССРга расмий визити чоғида М. С. Горбачев бажарган ишлари ва олий даражадаги Совет—Америка музокаралари якунларини тўла маъқуллади.

Олий даражадаги Москва учрашуви халқаро ҳаётда янги воқеа бўлди. Эндиликда икки томонлама муносабатлар ва жаҳон сивасининг барча асосий муаммоларини қамраб олаётган Совет Иттифоқи билан Қўшма Штатлар ўртасидаги сиёсий муноқоти тирайлашиб бораётганлиги маъмур учрашувининг бош якуни бўлди. Совет—Америка муноқоти иккала мамлакат ўртасидаги муносабатларнинг узоқ мудатта мўлжалланган раванқини учун аҳалий пойдевор қўяр экан, бу муносабатларнинг нормал, соғлом ўзанига ўтказишга, уларнинг барқарорлиги ва келажакда қандай бўлишини олдиндан билиш даражасини оширишга хизмат қилди.

Москвадаги музокараларнинг якунилари СССРнинг реализмга, янгица сиёсий фикрларга асосланган халқаро майдодаги йўли тўғри танлаб олинганлигини тасдиқлади, бу йўл КПСС Марказий Комитетининг 1985 йил апрель пленумидан кейин танлаб олинган ва партия XXVII съезди қарорларида мустаҳкамланган эди.

Собитқадмлик билан ва аниқ мақсадни қўлаб сарфланган куч-ғайратлар тўғрисида қўрол-яроғларни келтириб бериш соҳасида яна олға сийлиштига эришилди. Москвада ратификация ҳужжатларининг айирболалини — ўтган йилнинг декабрь ойида имзоланган ўрточа ва қамроқ олислик Совет ва Америка ракеталарини тутатиш тўғрисидаги шартномани кучга киритди, бу шартнома — СССР ва АҚШнинг икки турдаги ядро қўроллари йўқ қилиб юборилишини кўзда тутилган тарихда биринчи халқаро битимдир, бу битимнинг кучга киритиш ядро қўролисиз дунёни барпо этиш амалда бошланганлигидан дарак беради.

Ракетадан муҳофаа шартномасининг сақланиши шартнода стратегик ҳужум қўроллариини қамайтириш, Европада олдий қўрол-яроғлар ва қўроллик қучларини қисқартириш, ядро синовларини келтириб бериш, химиявий қўроллик тақиқлаш муаммоларининг бир қанча жиҳатлари юзасидан позицияларнинг яқинлашуви олий даражадаги учрашувда қайд этилди.

Учрашувда маҳаллий южароларлар барқарор ўтиш муаммоларининг батафсил муҳокама қилиниши ёндашулар ва баҳоларларга маъмур катта таъвоуларга қарамай, мониторингга жалб этилган барча томонларнинг қўнулий манфаатларини назарда тутиб, сиёсий воситалар билан адолатли қарорларни топиш юзасидан СССР билан АҚШнинг амалда ҳамжиҳатлик қилиши учун реал имкониятлар борлигини кўрсатди.

Музокаралар чоғида иккала томон ўзаро фойдали савдо-иқтисодий муносабатларини кенгайтиришга, турли соҳаларда алоқалар, мулоқотлар ва айирболашларини ривожлантиришга, инсонпарварлик муаммосига оид рўй-рост ва амалий мулоқоти йўлга қўйишга қўмақлашиш ниятида эканлиги таъкидланди. Равшанки, бундай мулоқот бир-бирларининг ички ишларига аралашушга уринмасдан, амалий, муҳолифизалик асосига қўрилиши керак.

Мажлисда Москвадаги музокаралар Совет—Америка муносабатларидаги умумий муҳитни соғломлаштириш имкониятларини кенгайтирди, умуман халқаро муносабатларда қўлай сиёсий иқлимни вужудга келтиришга ёрдамлаштириш, деб ишонч билдирилди.

КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси Коммунистик партия ва Совет давлати ички ва ташқи сиёсатининг баъзи бошқа масалаларини ҳам муҳокама қилди.

учун коммунистлар: область халқ маорифи бўлими мудири вазифасини бажарувчи А. И. Абрамов, Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимининг бошлиғи М. Ю. Қосимов, область ва Тошкент шаҳар ҳўнар-техника таълими бошқармаларининг бошлиқлари О. Мусаев, Ш. Т. Содиков, област ағросановат комитетини раисининг ўринбасари А. П. Воронов ўроқлар шаҳсан маъмур эканликлари тўғрисида оғоҳлантирилди.

Халқ маорифи ва ҳўнар-техника таълими, умумий овқатлануши органларининг бир қатор раҳбарлари, мактаблар ва билим юртлари директорларининг шахсий жавабгарлиги бошлангич партия ташкилотларида кўриб чиқилганлиги ва қўрилатганлиги маълумот учун қабул қилинди.

Область партия комитетини бюросининг аъзоси О. Г. Айдаков ва Тошкент шаҳар партия комитетининг аъзоси Э. А. Ризаев ўроқларга бошларининг овқатланушини ташкил қилишни тўдан яхшилаш программасини ишлаб чиқиш ва амалга ошира бошлаш тоширилди. Бу программда овқатлануш маҳсулотларига (хусусан гўшт-сут маҳсулотлари) фондларини тақсимлаш практикасини тақомиллаштиришни кўриб чиқиш, бошлар умумий овқатлануш корхоналарини таъминлаш учун маҳсулот сановат йўли билан маҳсулот таъвоуларини ишлаб чиқариш қувватларини тезлаштириш, ярим фабрикалар тайёрлаш корхоналарини тармоғини ривожлантириш, мактаблар ва ҳўнар-техника билим юртларининг ошхоналари ва буюбеллари, мактабга муассасалар овқатлануш блокларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш назарда тутилганлиги керак.

Область партия комитетининг бюросида бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИДА

Бутуниттифоқ партия конференцияси шарафига

ПИЛЛА — ДАВЛАТГА

МАЖБУРИЯТ ҲИСОБИГА

БЕКОВОД. Район меҳнаткашлари областда биринчилар қаторида пилла сотиш иланини бажардилар. Қабул пунктларига 187 тонна ўрнига 199 тонна сифатли пилла етказиб берилди.

Бу муваффақиятга Навоий номи колхоз, А. Мавлонов номи, «КПСС XXV съезд», Ойбек номи совхозларининг пиллакорлари, айниқса, салмоқли ҳисса қўшдилар. Мавсумга пухта тайёрланган, вақтдан оқиб

лона фойдаланиб, сифатли барг билан куртларни тўйдириб боққан Турғуной Мустафоқуллова, Гулбаҳор Сафарова, Соҳиба Абдукаримова сингари пиллакорлар, айниқса, юқори кўрсаткичларга эришилди, ҳар кутидан 60—70 килограммдан хом ашё тоширдилар. (Ўз мухбиримиздан).

ҚИБРАЙ. Оржоникидзе районидagi «Коммунист»

колхоз меҳнаткашлари ҳам XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига муносиб меҳнат совғаси билан етиб келмоқдалар.

Колхозда давлатга пилла сотиш плани ортинг билан бажарилди. Давлатга 15 тонна ўрнига 15 тонна 400 килограмм хом ашё етказиб берилди.

Илгорлар сафини кенгайтириб, Н. Носирова, А. Ваҳобов, Ш. Расуллова, С. Ҳужимова, М. Орпоров ўроқлар бошлиқ оилавий эволюларда бир кунти кўрт уруғидан 70—100 килограммдан ҳосил териб олинди.

Колхозчилар давлатга яна 1,6 тонна пилла сотиш мажбуриятини олдилар.

Ҳ. НАСИМОВ.

лишига алоҳида эътибор бермоқдалар.

Абдулла Азимов, Тошкент Районкомбиндеев, Акмал Сайдалиев ўроқлар бошлиқ бригадаларининг пудратчи деҳқонлари айниқса, юқори кўрсаткичларга эришмоқда. Колхоз давлатга 8800 тонна савзавот тоширини иланини барча турлари бўйича бажариш чора-тадбирларини кўраётди.

(Ўз мухбиримиздан).

БАРАКАНИНГ МАНБАИ

БУ ЙИЛ Тошкент районидagi Илчи номи колхозда 420 та оилавий пудрат эвеноси иш олиб бораётди. Колхоз правленесини аввало пудрат шартларининг иш-ишқ-пухта ишлаб чиқилишига аҳамият берди. Ҳар икки томоннинг бу шартларга қатъий риоя қилини келиши олдинди. Колхоз пудратчиларга керакли ўғит, кимё

вий дорилар ва бошқа воситаларни ўз вақтида етказиб берди. Техника хизмати кўрсаткишини юксак савияда бўлишига эришилмоқда. Натижа қувончли бўлаётди. Шаҳарликларга ҳар кунин 60—70 тоннадан ортинг қарама, бодринг, чеснок, шпёз, картошка жўнатишмоқда. Деҳқонлар бу маҳсулотларини сара ва сифатли бў

СЕМНАР-КЕНГАШ ЯНГИ УСУЛГА БАҒИШЛАНДИ

Оққўрғон районидagi Султон Сегизбоев номи совхозда ҳўжалик ҳисоби, пудрат усулида ишланиш ташкил этиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг чек усулидан фойдаланиш бўлимига бағишланган семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Унда район ҳўжалик раҳбарлари, партия ташкилотли секретарлари, бош иқтисодчилар ва бухгалтерлар, РАПО мутахассислари, район ағросановат банки ва молия бўлими раҳбарлари иштирок этишди.

Семинарда С. Сегизбоев номи совхозининг бош иқтисодчиси М. Нишонов меҳнатга ҳақ тўлашнинг чек усулидан фойдаланиш ушбу совхозга қандай самаралар бераётганлиги, «Оққўрғон» совхоз бош иқтисодчиси Н. Болышевшаев эса бригада пудрат афзалликлари ва муаммолари ҳақида сўзлаб берди. Шундан сўнг иқтисод фанлари доктори С. Усмонов, область партия комитетининг экономика бўлими

мудири В. Котовлар тўла ҳўжалик ҳисобига ўтиш, меҳнатга ҳақ тўлашнинг чек усулидан фойдаланиш, пудрат усули афзалликлари ҳақида конкрет мисоллар келтиришди.

Район партия комитетининг биринчи секретари А. Носиров РАПОга қарашли ҳўжаликларда меҳнатни прогресс усулда ташкил этиш халқ фаровонлигини оширишнинг асоси эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Бу борада партия, совет ва ҳўжалик раҳбарлари, қишлоқ ҳўжалиги мутахассислари жонбозлик кўрсатишлари лозимлигини айтди.

ОБЛАСТЬ партия комитетини бюросининг навбатдаги мажлисида КПСС Марказий Комитетининг «Социалистик қонуничилик ва ҳўқуқ тарбияти янада мустаҳкамлаш, граждандарининг ҳўқуқлари ва қонуний манфаатларини муҳофаза қилишни кучайтириш тўғрисидаги» қарорини бажариш юзасидан Ленин район партия комитетининг ҳисобот тингланди.

Муҳокамада шу нарса таъкидланди, район партия комитетини мазкур қарорни амалий бажариш юзасидан ишларни ҳозирча тўлиқ даражада ташкил этилмапти. Район корхоналарида давлат интизомини бузиш ҳоллари рўй бермоқда. 4 та корхонанинг шартнома мажбуриятларини бажармагани 24 миллион сўм йўқотишга олиб келди. Сифатсиз маҳсулот ишлаб чиқариш билан моддий ва маънавий зарар етказилмоқда. Ўтган йили иш вақтининг йўқотиш икки мартадан ортинроқ ўсди, бу йўқотишнинг катта қисми прогнугларга тўғри келмоқда. Ҳўжалик раҳбарларининг ҳўқуқий тайёргарлиги етарли бўлмаганлиги, корхоналардаги юридик хизматлар ва касба союз ташкилотларининг бўш ишлаётганлиги граждандарининг меҳнат ҳўқуқлари қўдан-қўп бузилишларига олиб келмоқда. Уй-жой қонунилари бузилаётганлиги сабабли граждандарини кўчириб юбориш тўғрисида халқ судлари томонидан қўрилатган ишлар сони ошиб кетди.

Бу йил районда жиноятчилик ортаётганлиги кузатишмоқда. Вояга етмаганлар орасида ҳўқуқ бузишлар кўп бўлиб турипти. Ҳўқуқни муҳофаза қилиш органларини ишда қўполлик ва одамларнинг тақдирини лоқайлик билан қараш фактлари учрайди. Халқ депутатлари

район Совети ижроия комитетини амалда жиноятчилик ва ҳўқуқ бузишларга қарши курашни ташкил этишдан ўзини четта олган. Райком, қомсомол комитетлари ҳам бу масалалар билан етарли даражада шугулланмаптилар. Кўпгина меҳнат коллективларида, аҳоли истиқомат жойларида граждандарини ҳўқуқий тарбиялаш ташкил қилинмаган.

Область партия комитетини социалистик қонуничилик ва ҳўқуқ тарбияти мустаҳкамлаш юзасидан Ленин район партия комитетининг ишини етарли эмас деб топиб, райкомдан, унинг бюроси ва секретарларидан айтилган камчиликларини тутатиш, бошлангич партия ташкилотларида КПСС Марказий Комитетини қарор бажарилишини таъминламаган шахсларнинг жавобгарлигини кўриб чиқишни талаб қилди. Совет, ҳўқуқни муҳофаза қилиш органларида ишлаётган коммунистларга конкрет тоширини берилди.

Шаҳар, район партия комитетларида, область ижроия комитетини ва шаҳар, район ижроия комитетларида, область касба союзлари Совети, халқ контроли комитетлари, область комсомол комитетини, бошлангич партия ташкилотларига ҳар бир корхона, аҳоли пунктда социалистик қонуничилик ва ҳўқуқ тарбиятини сақлаш ишдаги камчиликлар сабабларини пухта ўрганиш тавсия қилинди, бу ишни ошкоралик шартнода, жамоат ташкилотлари, халқ депутатлари, меҳнаткашлар ва бутун аҳолини кенг жалб қилган ҳолда амалга ошириш керак. Ана шу мақсадда иш жойи ва истиқомат жойларида аҳоли билан партия, совет ҳўжалик ва ҳўқуқни муҳофаза қилиш органлари раҳбарларининг

учрашуларини мунтазам ўтказиб туриш лозим.

Область партия комитетини бюросида областдаги умумтаълим мактаблари ва ҳўнар-техника билим юртлари ўқувчиларининг овқатланушини ташкил қилиш масалалари кўриб чиқилди. Шу нарса таъкидланди, халқ маорифи ва ҳўнар-техника таълими органлари умумий овқатлануш корхоналарини ривожлантириш ва моддий базасини мустаҳкамлаш учун етарли чоралар кўрмалмапти. Мактаблар ва ҳўнар-техника билим юртлари ошхоналарининг қўнчилиги мослаштирилган биноларга жойлашган, 43 та мактабда ва 14 та ихтисослашган ҳўнар-техника билим юртларида ошхоналар умуман йўқ. Ошхоналарда ўтириб овқатланган жой камлиги сабабли ҳар тўрт ўқувчидан бири ўқини жойида иссиқ овқат билан таъминланмапти.

Область маълумот союзи, область ва Тошкент шаҳар умумий овқатлануш бошқармалари мактаб ҳамда ҳўнар-техника билим юртларининг ошхоналарига энг муҳим маҳсулотлар: сут, тўроғ, картошка, савзавот ва мева-лар, гўшт, сариёғ ҳамда туҳумини тўлиқ етказиб бермаптилар. Бошларнинг йш ҳўсузиларини ҳисобга олган ҳолда иссиқ овқат билан таъминлаш масалалари ҳал қилинмаган.

Пархез таомлар билан овқатланушнинг қомурсиз аҳволда кам таъминланган ва кўп болали оилавлардан чиққан ўқувчиларини овқатлаштиришга жиддий камчиликлар бор. Ана шу мақсадларга ақриятдан маблагдан фўдан йил 133 минг сўм фўдаланилди.

Область ва Тошкент шаҳар ҳўнар-техника таълими бошқармалари назорат қилмаётганлиги тўғрисида маблагларнинг кўп қисми бошқа мақсадларга сарфланмоқда.



КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ТЕЗИСЛАРИНИ МУҲОКАМА ҚИЛАМИЗ

МАКТУБЛАР, ФИКРЛАР, МУЛОҲАЗАЛАР

ХАЙР, БУЙРУҚЛАР!

ХАР бир совет граждани XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига катта умид боғламоқда. Шунинг учун ҳам КПСС Марказий Комитетининг Тезисларига коммунистлар ҳам, партиясизлар ҳам фикр-мулоҳазаларини, муносабатларини билдиришмоқдалар. Нариманов шаҳридаги Карл Маркс номи колхоз аъзолари конференция муҳокамаига қўйилган масалалар партия ва мамлакат учун ҳаётини аҳамиятга эга эканлигини чуқур ҳис этиб, ишларга реалистик баҳо бераётганликларининг гувоҳи бўлдим.

Кўйинда ана шу суҳбат қатнашчиларининг фикр-мулоҳазалари билан танишасиз.

✦ **М. ҚОСИМОВ,**
колхоз партия комитетининг секретари:

— ОЧИГИНИ айтганда, кейинги вақтларда республикамиз маъмурий бошқарувидаги ҳаттолар, хусусан, партия сафига қабул қилишда сифат эмас, сон кетидан қувиш, партиявий-ташқилий ишлардаги номувозлик омма ўртасида партиянинг обрўсини анча тушириб қўйди. Тезисларда айтилганидек: «Вужудга келган вазиёт КПСС Марказий Комитети, ҳукумат, жойлардаги партия ташкилотлари фаолиятига, коммунистлар активлигига оғир таъсир кўрсатди...» Шунинг учун ҳам биз КПССнинг обрў-этиборини оширишни, ҳар бир коммунистнинг соф қиёфасини, жанговарлигини таъминлашни энг муҳим вазифалардан бири деб билишимиз зарур. Шу ўринда Тезислардан яна қуйидаги сатрларни таъкидламоқчиман: «КПССнинг сиёсий авангард сифатидаги вазифаларидан ва жамиятда рўй бераётган чуқур ўзгаришлардан келиб чиқиб, бошлангич партия ташкилотлари фаолиятини жиддий равишда қайта қуриш керак». Менимча, жуда тўғри ва аниқ вақтда айтилган гаплар бор.

✦ **Е. ИЛЕСОВ,**
бош агроном:

— **ЭКОНОМИКАГА** ва турмушнинг бошқа соҳаларига раҳбарлик қилишнинг таъйин қўлланганидан иборат эски усулдан қатъиян воз кечиш вақти келди. Бу гоё КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида ҳам қайд этилган. Менимча, бу таъйин қўлланган усули кўп йиллар иқдорлигини бўғиб келди, ривожланишга киша бўлди. Кимки нотўғри бўлса ҳам юқоридан айтилган кўрсатмани бажармасам ёмон отлик бўлиб қоларди.

Қайта қуриш муносабати билан бу нарсасига чек қўйилган ва ҳозирроқ эркин фикрлашнинг, иқдорлиқ излашнинг ширин мевасини татиямиз. Хўжалигимиз мисолда айрим мисолларни айтиб ўтмоқчиман. Илгари фалон тонна берасан, бундай қиласан, ундай қиласан, тамом, дейиларди. Ер шаронти, иш шаронти билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди.

Қайта қуриш ва жадаллаштириш даврида биз бу борада айрим уринишлар қилдик. Ходимнинг эгаллаб турган лавозини эмас, балки гоёвий-ахлоқий ва ишчилик фаилатлари, унинг обрўси, қайта қуришга актив иштирокчини таъминлаш мақсадига бошлангич партия ташкилотлари структурасини бироз ўзгаришлар қилдик. Цех партия ташкилотлари сонини қисқартирдик. Уштакта ва бригада, цех, партия ташкилотлари соҳалар бўйича қайта қурилди. Маъмурий аппарат, давлчилик, авто ва трактор парки, чорвачилик, маданий-маиший хизмат соҳалари цех партия ташкилотлари ташкил топди. Соҳалар бўйича йириклаштириш тузиш цех партия ташкилотларидаги оммавий-сиёсий, ташкилий-тарбиявий ишлар даражасини қисқа даврга анча кескин кўтаришга ижобий таъсир кўрсатди. Лекин бир қийинчилик пайдо бўлди. Цех партия ташкилотлари қучли, жанговар отрядга айланди. Масъулият ошди. Бирок, цех партия ташкилотлари секретарининг барча ишларини юксак даражада олиб боришга вақти етмапти. Далачилик цех партия ташкилотлари ҳисобида 47 нафар коммунист бор. Бу катта куч ва бу кучни бошқариш учун шароит яратиб керак. Менимча шаҳар ва район партия комитетлари шатларини бирмунча қисқартириб, лозим қўрилган айрим жойларда овоз қилинган цех партия ташкилотлари секретарларини штатларини оидлас мақсадга мувофиқ бўлур эди. Эки бўлмаса, 30

теранлари уйларига телефон ўрнатиб беришдек аҳоли кайфиятини кўтарувчи қарор қабул қилди. Ленин унинг қозғола қилиб кетиш ҳавфи бор. Иш бошланди-ю, тўхтаб қолди. Чунки пул ўтказиш йўли билан бундай материалларни сотиб олиб бўлмапти. РАПОда материал йўқ.

Мен қишлоқ Советининг депутаты сифатида бундай ишларга кўп дуч келаман. Бўёқ, қуриш, материаллар йўқ бўлса ресурслар колхозга суз билан ҳаводек зарур бўлиб турибди. Бўлмаса иш қишлоқда. Кеча-қундуз югуринг фойдаси йўқ. Яна ўша эски касал. КПСС Марказий Комитетининг Тезисларида ҳам «...экономиканинг «чиғаллашиб кетган» структураси ҳозирча сақланиб турибди» дейилади. Бутуниттифоқ партия конференциясига ишнинг белига тепаётган ана шундай келишимсиз, бюрократик қондаларни ўзгаришга ҳусусида қатъий фикрлар билдирилишини, ишга ёрдам берувчи амалий йўл-йўриқлар белгилашнинг жуда вақти истардим.

✦ **С. ДУЙСЕНОВ,**
трактор парки слесаря:

— **ХАЛҚ** хўжалигида ҳал қилинмаган муаммолар жуда кўп. Бир қанча министрликлар ва идоралар, хўжалиқ органларининг бюрократик позицияси иқтисодий ишларни амалга ошириш соҳасидаги чора-тадбирларни кўп жиҳатдан бўғиб қўйганлиги кўриниб турибди. Кўп ҳолларда давлат бюрократияси, иқтисодий нормативлар ва бошқаруви билан янги усулларни иқибоси остида маъмуриятчилик таъйини сақланиб қолмоқда. Тармоқ министрликларини даражасида қайта қуриш қорхоналарда қайта қуришдан яққол орқанда қолмоқда. Натижада 1 сўмга бажариш мумкин бўлган иш 2—3 сўмга тушапти.

Бизнинг пахта териш машиналаримиз Чиноз, Қорасува ремонт қилишга олиб кетилади. Машиналаримизни қайтиб олган яна ремонт қилиб оламиз. Икки оворатгарчилик. Пахта териш машинаси терим аппаратини ремонт қилиб берганиларни учун колхоз 700—800 сўм тўлайди. Биз тақриб қилиб қўйдик. Уштакдан ремонт қилган эдик 300—400 сўмга тушди ва сифати ҳам яхши бўлди. Механизаторнинг ўзи иштирокчида хўжалиқда қилинса сифати бўлишини ҳар бир киши яхши билади. Ўхтиб қисмлар атайлаб бизга юборилмайди, шу билан эски услудда иш тутишга мажбур бўламиз. Қанча қўшимча оворатгарчилик пайдо бўлади.

Ремонт ишида ҳам кўпгина нормативлар нотўғри белгиланган. Уштакхона бошлиғи бирова ҳам ҳақ тўланадиган иш топширмаларини нормативда қўйилган қўлланганидан қўшимчасини ҳам толиб бериш керак. Бўлмаса турли корозилик, кайфиятнинг бузилиши олиб келади. Хўласа, ҳаётимизда ҳали ҳам иқтисодий ишларнинг моҳиятини бузганда эки бевосита унга путур етказилган ҳоллар ҳали анча бор. Бутуниттифоқ партия конференцияси ана шундай иллатларнинг томирга болта уриши керак.

✦ **СУХБАТИ**
Б. ПУЛАТОВ ёзиб олди.

КПСС Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларини муҳокама қилиш чоғида коммунистлар ва партиясиз активлар кўпгина фойдали таклифларни ўртага ташламоқдалар. Қуйида уларнинг айримлари билан танишасиз.

✦ **С. РАҲИМОВ,** Оҳангарон бинокорлик материаллари ва саноат техникуми ўқитувчиси:

Бутуниттифоқ партия конференцияси ишини теле-

видение орқали тўла кўрсатилиши керак. Барча нотиқларнинг сўзлари матбуотда эълон қилинсин.

✦ **С. ҲАЙДАРОВ,** Оҳангарон район электр тармоқлари диспетчери:

— Республика Компартияси Марказий Комитети, область, шаҳар ва район партия комитетлари секретарларини бир неча номзоддан сайлаш мақсадга мувофиқдир. Ҳар бир номзод олдин-

дан матбуотда ва меҳнат коллективларида муҳокама қилиниши керак.

✦ **Х. ҲАКИМОВ,** Низомий номи Тошкент давлат педагогика институти катта ўқитувчиси:

— Тезисларда касба соҳаларининг мамлакат ҳаётидаги ролига кам ўрин берилган. Касба соҳаларининг социал ҳаётдаги ўрнига эътиборни кўпроқ қаратиш лозим. Тезисларда, шунингдек,

СССР Конституцион судини тузиш зарурлиги тўғрисида ҳам ҳеч нима дейилмабди. Бу соҳани ҳам ўйлаб кўриш керак.

✦ **М. МУЛЛАЕВ,** республика модалар уйи катта конструктори:

— Бошлангич партия ташкилотларининг маъмурият фаолиятини назорат қилишда, меҳнат коллективлари кенгашларидаги роли ва ўрни тўғрисида Тезисларда ен-

гилгина тўхтаб ўтилган. Бу гоёни чуқурлаштириш зарур.

✦ **О. УМАРҚУЛОВ,** Ғалаба районидagi Энгельс номи колхоз меҳнатчи:

— Ўзбекистон қўшмаллатли республикадир. Фарзандларимиз ўзбек, рус, тожик, қозоқ ва бошқа тилларда таълим олмоқдалар. Лекин олий ўқув юртида фақат ўзбек ва рус тилларида таълим берилади. Институтларда бошқа тилларда таълим бериш масаласини ҳам ўйлаб кўришни таклиф қиламан.



✦ **ТОШКЕНТДАГИ** 182-ўрта мактабининг 7—8 синф ўқувчилари ҳафтада бир кун машғулотини сиғдира оламиз, балки Тошкент электр асбоб-ускуналар заводи цех-

ларида ўтказишди. Ўқувтарбия ишнинг бу формаси ислохот талабларига тўла жавоб беради. **КПСС** Марказий Комитетининг Тезисларида ҳам мактаб ис-

лохотини амалга оширишда турли формалардан самаралани фойдаланиш гоёси илгари сурилган. **СУРАТДА:** мактаб педагоглари ва корхона мастерлари ўқувчи-

ларнинг меҳнат тарбияси бўйича ўзаро фикр алмашмоқдалар.

Р. Шамсутдинов фотоси. (ЭТАГ).

Янги чак фикрлашга даъват

Уставида кўзда тутилмаган нарсаларни ўйлаб топмоқдалар. Бундай практика шахсларнинг (бу ўринда партияга кирувчининг) ҳуқуқларини камситиш билан бирга ортиқча қозғозбозлик ва формализмга олиб келаётди. Партия сафарларининг сифат составини яхшилашда район ва область партия ко-

митетлари томонидан айрим бошлангич партия ташкилотларига нисбатан ўринсиз чеклаётган, деган фикр айтилмоқда. Партияга қабул қилинган меҳнат коллективларининг фикрини, албатта, ҳисобга олиш даркор.

Бизнинг фикримизча, партияга қабулда юқоридан берилган разнарядка эмас, балки бошлангич партия ташкилотининг мавжуд состави аҳволининг анализ, меҳнат коллективлари фикри ва ахтиёж асосий омил бўлиши керак.

Яна бир мулоҳаза. КПСС Уставига кўра, бошлангич партия ташкилотларига маъ-

мурият фаолиятини контроль қилиш ҳуқуқи берилган. Шунга кўра, партбюро ҳузурида маъмурият фаолиятини контроль қилиш комиссияси тузилади. Кўп йиллик тақрибда шунини кўрсатмоқдаки, шундай комиссия маъмурият фаолиятини контроль қилишда ортиқча зевно бўлиб қолмоқда. Бу маълум маънода бюро иш фаолиятини тақорлаш билан бирга унинг масъулиятини пасайтиради. Шунинг учун ҳам кўпгина жойларда бундай комиссиялар формал жинҳатдангина мавжуд. Фикримизча, маъмурият фаолиятини назорат қилишда шундай комиссияларга зарурат йўқ. Бу вазифани бемалол партия бюросининг ўзи амалга ошира олади.

КПСС Марказий Комитети Тезисларининг умумхалқ муҳокамаига қўйилган резолюцион қайта қуриш даврининг энг ахши аломатларидан бири бўлиб, XIX Бутуниттифоқ партия конференциясининг муваффақиятли ўтишининг гаровидир.

✦ **ТУРА МИРЗАЕВ,** Ўзбекистон ССР Фанлар академияси А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти бошлангич партия ташкилотининг секретари, филология фанлари доктори.

ИСТАРДИМКИ...

Ўзим коммунист эмасман. Аммо КПСС Марказий Комитетининг XIX партия конференциясига Тезисларини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Улардаги фикрлар юзасидан тутилган баъъ мулоҳазалар эса мени редакцияга мактуб йўллашга ундади.

Тезисларда «давлат, хўжалиқ органлари ва жамоат ташкилотларига бевосита кўрсатма баён қилинадиган қарорларнинг партия комитетлари томонидан қабул қилиниши истисно этилиши керак» деган жумла бор. Чиндан ҳам ҳозирги пайтда бундай қарорлар кўплай учраб турибди. Батъан партия ташкилотлари СССР Конституцияси ва совет қонуналар доирасида ҳаракат қилишлари шартлигини унутиб қўйишмоқда. Айрим партия ко-

митетлари КПСС ўз сиёсий йўлини давлат ҳокимияти органларида, жамият ҳаётининг барча соҳаларида ишлатётган коммунистлар орқали ўтказишнинг инобатга олишмапти.

Қўпгина бир нарсасга эътибор бераман. Район ёки шаҳар партия комитетларидаги ўртоқлар бирор идора ёки корхонага боргундек бўлсалар, бу ердаги партия ташкилотлари секретари билан эмас, маъмурият вакиллари ерда иш битиришга уринишадилар. Эки бўлмаса район партия комитетларидан берилаётган телепрограммаларини олайлик. Уларнинг аксарияти «Муассаса раҳбарига...» деган сўзлар билан бошланади ва шундан кейингина «Партия ташкилотининг секретарига...» деган жумлани учратасиз. Булар-

нинг бари бир томондан партия ташкилотларининг обрўсига путур етказса, иккинчи томондан демократик централизм принципларининг қўпол бузилишидир. Ахир, маъмурият вакили, мазкур партия ташкилотининг оддий аъзоси-да (агар у коммунист бўлса).

Тезисларга «партия комитетлари бирламчи партия ташкилотларининг секретарлари обрўсини ҳар томонлама оширишга нитидаш, уларни иккони борича қўллаб қувватлаш лозим» ҳамда «партия комитетлари корхона, муассаса ва идоралардаги партия ташкилотларининг сайлаб қўйилган органларини четдаб ўтган ҳолда бу ердаги маъмурият вакиллари билан бирор иш битириш мумкин эмас» деган жумлалар қўшиб қўйилишини истардим.

✦ **М. УМАРОВ,** инженер.

Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорт министрининг бош ҳисоблаш маркази коллективи **КПСС** Марказий Комитетининг XIX Бутуниттифоқ партия конференциясига Тезисларини ишчилар билан муҳокама қилди.

Тезисларда жамиятимизнинг барча соҳасида қайта қуриш тўғрисидаги раёсатдан ўзгаришлар, ютуқ ва камчиликлар ўз ичига олинган. Лекин, дедим муҳамама бағишлаган йилда, Ҳўснхўш маркази директори вазифасини бажарувчи К. Ж. Шералиев, — Тилга олинган муаммоларнинг аксарияти бевосита бизнинг коллективга ҳам дахлдордир. Кўп жойда бўлгани сингари бизда ҳам план кетидан қувиб, ишон омили ҳақида айтилган ўйламайми. Партиямизнинг бу муҳим ҳужжатида Совет давлати биринчи галда қишлоқ ҳақида таъкид қилиш керак, деб жуда тўғри таъкидланган.

Бизнинг ҳозирги кундаги иш шароитимиз умуман

талабга жавоб бермайди. Ташкилотимиз ноқулай бинога жойлашган. Тузукроқ зал у ёқда турсин, катта-роқ хонанинг ҳам йўқлиги учун йигилиш ўтказмоқчи бўлсак, қўшни — 127-авто-

та қуришни тезлаштириш керак», — деб қўшиб қўйишни истар эдим.

— Бу муҳим сиёсий ҳужжати диққат билан ўқиб ўргандик, — деди бошлангич партия ташкилотининг

МУАММОЛАР ТИЛГА ОЛИНГАНДА

базанинг мажлислар залини сураймиз. Ходимларимизнинг кўпчилиги эса тушун оқватланиш учун уйларига бориб келишга мажбурдирлар. Чунки, ошхона йўқ. Бу, албатта, иш унуми ва сифати таъсир этмай қолмайди.

Мен Тезисларга «Партия органлари ва Советлар ўз регионларида фақат оғизда ва мажлисларда эмас, балки амалий ишларда ҳам қай-

та қуришни тезлаштириш керак», — деб қўшиб қўйишни истар эдим.

— Бу муҳим сиёсий ҳужжати диққат билан ўқиб ўргандик, — деди бошлангич партия ташкилотининг

Минбарга кеска коммунист В. А. Романов чиқади. — Дарҳақиқат, Тезисларда совет кишилари дилидаги кўпгина фикр-мулоҳазалар мукассамдир, — деди у. — Жумладан, Советлар фаолияти, уларнинг вазифалари, сайлаш, сайланиш ҳақидаги фикрларга тўла қўшилган ҳолда яна бир мулоҳаза билдириш мумкин. Мен юқори партия органлари раҳбарларини икки муддатга сайлаш билан қатъий чегаралашни таклиф этаман. Партия комитетлари, партия бюрослари секретарларини эса уч йилгача муддат билан сайлаш маъқул. Ана шунда биз чинакам демократияга амал қилган бўламиз.

✦ **З. ЖУРАЕВА.**

Алло, редакциями?

✦ **У. МАДРАХИМОВ,** Тошкент шаҳар Октябрь районидаги 29-ЖЭК уруш ва меҳнат ветеранлари кенгашининг раиси:

— Уруш ва меҳнат ветеранлари КПСС Марказий Комитети Тезисларини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқиб муҳокама қилмоқдалар. Мен ҳам шу муносабат билан ўз фикримни билдиришчи эдим. Меҳнат фаолиятини 1932 йилда бошлаганман. 1945 йилдан бери КПСС аъзосиман. Пенсияга чиққангача ҳам йигирма йил бўлди. Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист деган унвоним ҳам бор. Аммо гап бунда эмас. «Партия ветерани» деган нишон ҳақида мулоҳаза юритмоқчи эдим. Маълумки, бу нишон эллик йиллик партиявий стажга эга бўлган КПСС аъзоларига берилади. Агар статистика маълумотларига эътибор берадиган бўлсак, ҳозирги пайтда инсоннинг ўртача умри 67—68 йилни ташкил этаётганини кўрамиз. Демак, партия ветерани бўлиш камдан-кам одамга насиб этаркан-да!

Мен кеска коммунистлар учун қандайдир моддий ва маънавий имтиёзлар ҳам бўлишини истардим. Аввало партия ветерани бўлиш учун 30—40 йиллик стаж кирфоса деб ҳисоблайман. Қолаверса, ҳукумат ордени-медаллари жуда кўп-у, партия ўз аъзоларини тақдирлайдиган алоҳида нишонлар даярлай йўқ. «Партия ветерани» нишонини ҳам каттароқ қилиб ишлатиш, КПССга сидқидилан хизмат қилётган одамлар учун энг муқофотлар таъсис этилишини истардим.

✦ **А. ИКРОМОВ,** Ленин район озиқ-овқат савдоси бошқармасига қарашли 16-маҳалин мудир ўринбосари:

— Партия ва ҳукуматимиз уруш ва меҳнат ветеранлари учун турли имтиёзлар яратиб бермоқда. Шу иштироклардан бири улар учун алоҳида магазин ташкил этилишидир. Аммо бу магазинларда ишлатётган савдо ходимлари баъзан анча қийин аҳволга тушиб қолмоқдалар. Айрим раҳбарлар ветеранлар учун келтирилган тақчирок товарлардан ажратиб беришни илтимос қилиб, уларни бозор қилишмоқда.

Мен КПСС Марказий Комитети Тезисларида турли ташкилот раҳбарлари бўлиш коммунистлар ўз мавқеаларидан фойдаланиб, ноўрин илтимослар билан муножабат қилиш қатъий қораланиш лозим, деган жумла алоҳида қўшиб қўйилишни тарафдориман.

Редакцияга КПСС Марказий Комитети Тезислари муҳокама-си юзасидан қўйлаб газетоналар телефон қилишмоқда. Тезислар муҳокамаи давом этапти. Ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириш мумкин бўлган ўртоқлар шайба ва яқинида кунлардан ташқари соат 10.00 дан 13.00 гача ва 14.00 дан 19.00 гача қўйидаги телефонлар орқали муножабат қилишлари мумкинлигини яна бир бор эслатиб ўтамиз.

33-40-48
32-57-78
32-56-45

• Ижара пудрати: тажриба адресини маълум қиламиз •

ИККИ ХИССА КЎПАЙДИ

